

2022 йил «13» 01 даги
 12-02/36 -сон шартномага
 ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари
 РЎЙХАТИ

Фаолият тури: _____

Катастр №

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табиий газ гарифи _____ сум _____ тийин

№/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойihalaviй газ сирфи, м.куб/соат	Газга ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	соми		

Келишилган:

Етказиб берувчи
 Раҳбар Х. Ғалламов (Ф.И.Ш.)

Истеъмолчи
 Раҳбар И. Селимов (Ф.И.Ш.)

Имзоси _____
 Мухр ўрни _____

Имзоси _____
 Мухр ўрни _____



Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
 ШАРТНОМАСИ

2022 йил 12 ой 01 -сон
 12-02/36

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари

томондан ҳамда Низом ва 2022 йил "5" ой 01 да берилган 03-19-03/19 бир
 ишончнома асосида фаолият юритувчи Иброҳимов Ибраҳимов Иброҳимов
 (газ таъминоти ташқиловчи номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),
 раҳбари Х. Ғалламов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида
 мазукур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг
 келишилган буюртмаюмаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади)
 етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг
 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда
 тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатда амалга оширади.
 1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига
 мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикага эга газ
 қурilmалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда
 ҳисоблаш приборлари деб аталади) мажбуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига таъдиқланган метрларга (Табиий газдан
 фойдаланиш кондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки
 кўрсатилмаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжин тақдим
 этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол
 қилиниши тахмин қилинмаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган
 газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 20 йилда
 куб.м. нархи _____ минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар
 бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	_____ минг.м3, январь _____, февраль _____, март _____
II чорак	_____ минг.м3, апрель _____, май _____, июнь _____
III чорак	_____ минг.м3, июль _____, август _____, сентябрь _____
IV чорак	_____ Минг м3, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориди кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагиларни ташкил қилади:

I чорак	_____	минг куб.м.	январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____	минг куб.м.	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____	минг куб.м.	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____	минг куб.м.	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навабдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ микдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саоат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ пардаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суқкалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт. магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, қуз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчи эса заҳира ёқилги туридан фойдаланишига ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор - маълумотларни мунгазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи заҳира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ заҳира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишига техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов рекевизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуқсиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м3 газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кیمیый параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига кириштиришни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажминини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузлади. Ўрнатилган тамгаларни бутулига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з Dst 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритаъбий ҳолатлар юзга келган тақдирда О'з Dst 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашши ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охири хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгаририлганда - охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёсов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсовдан ўтказилиб, сертификат олинб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёсов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш мuddати тугаганда – қиёсов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш мuddати тугаган кундан қиёсов кўригидан ўз метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ўз метрологик аттестациядан қиёмолган ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ўқи газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ўқи газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ўқи ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ўқи газ

истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУТ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з Dst 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, О'з Dst 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёсов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўриқдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриги/калибрлаш, тораиши мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсовлаш кўриги/калибрлаш, тораишириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси қақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

таъминоти ташкилотни вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактнинг тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилотни вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатилган ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангичи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг метрей-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлиммаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиб ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилотни вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириши хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилидиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоиз миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi туғандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадлар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қиска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов қунидан бошлаб қўли билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ

Фойдаланиш учун жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйилши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилишига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтьгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улашни ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганлиги;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайд.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мейёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобваарақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори ҳотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчи тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чеграсигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнанинг 7 кунидан кечиктирмадан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобваарақ-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрда маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро хал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартнома янги 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини кўшимча огоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тароғ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзига келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефгазспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПГХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлаганининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижаида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансобдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш барабари микдоридан жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдоридан жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига мuddати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорда, бироқ мuddати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш мuddати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар қойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар:

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек энгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома _____ йил 31 декабрда бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили _____ йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудгаз Қорақалпоғистон»	«ИСТЕЪМОЛЧИ» «Истеъмолчи»
Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Берлах гузари №179	Манзил: <i>Феҳради Буевчи</i> <i>Абдулқодир Солеҳов</i> <i>Ниссанович</i>
КТУТ коди	(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)
ХХТУТ <u>35220</u>	Почта манзил: <i>Гурез 48</i>
Боғлаш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43	ОКПО коди
Х/Р: _____	ОКСД
Банк номи: «Ўзсаноатқурилиш банк Раҳат филиали»	Мулоқот телефони: <i>61 155 4902</i>
МФО: 00435	Ҳ/Х <i>22402000500100000000</i>
ИНН: 306605769	Банк номи: <i>НББ Банк</i>
Х/Р <i>22634000005113</i> <i>960509</i>	МФО <i>900014</i>
Раҳбар: <u>Х.Айманов</u> (ф.и.ш.)	ИНН <i>200374068</i>
Имзои: _____	ш/х <i>4001109803520470/135203081</i>
Мух ўрни	Х/Р _____
(Ф.И.Ш.)	(Ҳазначилик ташкилотлари номи)
Юридик маслиҳатчи ҳусласан:	Раҳбар: <i>Ҳ.С.Содиқов</i>
(Ф.И.Ш.)	(Ф.И.Ш.)

